

ГЕНЕРАЛ ЖЎРАБЕК ҲАҚИДА ЯНГИ МАЪЛУМОТЛАР

Ибрагимов Солижон Эргашович

ҚаршМИИ “Ўзбекистон тарихи ва Ижтимоий фанлар”
кафедраси катта ўқитувчиси
solijon.ibragimov@gmail.com
Қарши шахри, Ўзбекистан

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Южин Скайлернинг “Туркистон” асарининг икки жислдан иборат 1876 йилги Лондон нашридан саралаб ўзбек тилига ўгирилган таржимасидан фойдаланилди. Бунда айнан Китоб беги Жўрабек ҳақида ёзилган қайдлар борасида сўз юритилади. Асар ёлғон тарих ва мафкурадан холи бўлиб, ўлканинг Россия империяси истилосидан кейинги ижтимоий тарихи ва маданий ҳаётига доир ажойиб манба саналади.

Китобнинг сўнги беги Жўрабек тақдирни ҳақида ўз даври зиёлилари кўп эътирофлар билан таърифлашган бўлишисада, бугунги кунда у ҳақида бадиий асарлар ёзилаётган бўлсада, илмий доираларда Жўрабек баҳосини олмаган, ўрганилиши керак бўлган қирралари кўп.

Калим сўзлар: Рус истилоси, Самарқанд мудофаси, Худоёрхон хиёнати, Жўрабекка тасниф, Кауфман сиёсати, “Рассом хотиралари”, шарқшунос олим, Жўрабекнинг сирли ўлими.

НОВАЯ ИНФОРМАЦИЯ О ГЕНЕРАЛЕ ДЖОРАБЕКЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье использован перевод «Туркестана» Юджина Скайлера из лондонского издания 1876 года в двух томах, переведенный на узбекский язык. Речь идет о записках, написанных о Китаб-беке Джорабеке. Произведение лишено лживой истории и идеологии и считается прекрасным источником по социальной истории и культурной жизни страны после завоевания Российской империи.

Судьба последнего бека Китаба Джорабека была описана интеллигенцией своего времени во многих конфессиях, и хотя о нем и сегодня пишут художественные произведения, в Джорабеке есть много аспектов, которые еще не получили оценки в официальных кругах и которые необходимо изучить.

Ключевые слова: русское нашествие, оборона Самарканда, предательство Худояр-хана, классификация Джорабека, политика Кауфмана, «Воспоминания художника», востоковед, загадочная смерть Джорабека.

NEW INFORMATION ABOUT GENERAL JORABEK

ABSTRACT

This article utilizes the Uzbek translation of the 1876 London edition of Schuyler's "Turkestan", comprising two volumes, focusing on the notes specifically related to Kitab Begi Jurabek. The book is devoid of falsehoods and ideological bias, presenting a valuable perspective on the social and cultural history of the region following its annexation by the Russian Empire.

Although contemporaries widely acknowledged and praised the fate of Kitab's last ruler, Jurabek, and modern literary works have been written about him, he has not yet been thoroughly studied or appreciated in academic circles. Many aspects of his life remain unexplored and deserve further investigation.

Keywords: Russian colonization, defense of Samarkand, Khudoyorkhan's betrayal, characterization of Jurabek, Kaufman's policy, "Memoirs of an Artist", Orientalist scholar, mysterious death of Jurabek.

КИРИШ

Ватанимиз тарихида шундай улуг инсонлар ўтганки, улар ўзларининг шиддатли ва шижаатли ҳаётлари давомида эл – юрт ташвишларини ўз елкаларига кўтаришиб, она замин озодлиги учун курашиб, ҳалқининг дарду аламларига малҳам излаб келганлар. Уларнинг бу фидойиликлари ҳамиша ўз ҳалқининг олқишига сазовор бўлган. Шундай довюрак зотлардан бири биринчи ўзбек генерали Жўрабекдир (1840-1906).

Бухоро амири Музофар хукмфармолиги даврида Жўрабек амирликнинг Китоб вилояти ҳокими эди. Жўрабек Худо ато қилган түгма фазилатлари: жасурлиги, шердек бақувватлиги, шунингдек ўткир мерганлиги, турли ишларни, айниқса ҳарбий санъатни пухта билиши, ҳар қандай мураккаб ишларни уддалашга қодирлиги билан ҳам ўз ҳамюртларини, ҳатто чет эллик кўпни кўрган кишиларни ҳайратга солган пайтлари кўп бўлган

Жўрабек нафақат жасур ҳарбий шахс, балки маърифатпарвар ва чукур билим эгаси бўлган. У нодир асарлар, қўлёзмалар ва буюмларга қизиқар, қидириб топар, илм ўрганар ва тўплар эди. Унинг Китоб беклиги даврида ёқ катта кутубхонаси бўлиб, генерал Абрамов вилоятни зарб этганда Жўрабек кутубхонасини мусодара қиласи ва 97 та нодир қўлёzmани Петербургга жўнатади. Жўрабек яна бой кутубхона ташкил этади. Унинг кутубхонасидан

ҳатто машхур шарқшунослар В. Бартольд, А.Семёнов ва бошқалар ҳам унумли фойдаланишган.

Шахрисабз ва Китоб шаҳарлари Амир Темур юрти сифатида ҳам Бухоро амирлиги даврида алоҳида мавқеида бўлган. Чор истилосигача Китоб шаҳрининг беги бўлган Журабек ҳаёти ва фаолияти зиддиятли даврнинг зиддиятини ўзида акс этган бўлиб, ўрганишга арзийдиган тарихдир.

АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ

Китобнинг сўнги беги генерал Жўрабек ҳақидаги маълумотлар чор подшо даври зиёлилари асарларида ўз аксини топган. Хусусан шарқшунослар В. Бартольд, А.Семёновлар, рассом Верешчагин, тарихчи Н.Ф.Петровский, Туркистоннинг бош “маорифчиси” Н.Остоумов, Ёзувчи ва журналист Ю.А.Россел, Швед саёхи Свен-Гедин, амеркалик тадқиқотчи, дипломат ва сайёҳ Южин Скайлерлар у ҳақда илиқ маълумотларни беришган . Замондош маърифатпарварларидан бўлмиш шоир Фурқат шахсан таниш бўлган, ўз ҳатларида доим Жўрабекка саломларини етказиб турган. Мустақиллик йилларида профессор Шариф Юсупов, А.Бердиев, Нуриддин Мусаев ва бошқа олимларимизнинг мақолалари эълон қилинган. Гарчи Жўрабек ҳақида мақолалар бериб борилган бўлсада, унинг шахсига оид очиклик, шахсини хотирлаш, улуғлаш масалалсида қандайдир иккиланиб баҳо бериш холатлари хамон учраб келади.

МУХОКОМА

Амеркалик тадқиқотчи, дипломат ва сайёҳ Южин Скайлер “Туркистон: Россия Туркистони, Кўқон, Бухоро ва Гулжага саёҳат қайдлари” асарида бутун Тошкентда рус амалдорларидан маҳаллий ҳалқ ҳақида қизиққан унинг тили, маданиятини ўрганган инсон Молия вазирлигининг вакили, жаноб П. (Скайлер амалдор исмини келтирмаган) туркий тилни пухта ўрганиб, равон ва бежирим сўзлаша оладиган, хонадони маҳаллий аҳолининг таниқли вакилларига қўнимгоҳ бўлганлигини айтади. Унинг рафиқаси ҳам маҳаллий аҳоли орасида катта ҳурмат қозонган, доимо борди-келди қилар ёхуд уларни меҳмон қилиб турарди. “Жаноб П. ва оиласининг дўстлиги ва самимиятини гапирмаганда, унинг уйига имкон қадар ташриф бюришимнинг яна бир боиси дейди, Ю. Скайлер – куннинг исталган маҳалида икки ёки уч нафар маҳаллий ҳалқ вакилларининг жуда қизиқарли ҳамда қимматли ҳикоя ва суҳбатларига шерик бўлганлигимдир” [1. 59].

Шу ерда Ю.Скайлер номини тилга олмаган жаноб П. ҳақида тўхталадиган бўлсак, тарихчи ва ёзувчи В.Фетисов ўзининг “Қашғар ҳукмдори” асарида рус

дипломати, археологи, тарихчи, шарқшунос ва Ўрта Осиё бўйича тадқиқотчи Николай Фёдорович Петровский (1837-1908) ҳақида тўхталади. Ю.Скайлер тилга олган П. айни пайтда Н.Ф.Петровский бўлиб, у Россия молия вазирлигининг Туркистондаги агенти бўлиб ишлаётган эди[2.11].

Н.Ф.Петровский ўзиниг молия вазирлиги раҳбари Н.А.Ермаковга(Россия молия Вазирлиги савдо ва мануфактура Департаменти директори. , Бу ҳақда қаранг) ёзган хатида шундай дейди: “Бу вақт давомида мен материал тўплашдан ташқари, она (туркий) тилини ҳам ўргандим ва ҳозир уни шунчалик яхши биламанки, бир ярим йилда мен жуда эркин гапира оладиган бўлдим. Бу мен учун жуда муҳим. Том маънода мен Тошкентда сартлар рус қамоқхонаси ходимиға салом бериш учун эмас, диний ва бошқа мавзуларда дўстона сұхбатлашиш учун борадиган ягона одамман. ...Шундай қилиб, собиқ беклардан Жўрабек, Бобобек, Абдулғаффар, Сайд-беклардан Бухоро ва майда хўжаликлар тарихини, маҳаллий ер эгаларидан дехқончиликни ўрганаман; қози (судья) га мен рус тилидан сабоқ бераман ва ундан шариатни ўрганаман; савдогарлар менга ўз маълумотларини берадилар ва ҳоказо [2.15]”.

Петровский мактубининг юқоридаги парчасида Жўрабек ҳақида ҳам сўз боради. Петровский Китоб беглигининг собиқ эгаси билан узоқ вақт дўстона муносабатда бўлган. “Жўрабек...мусулмон оламининг энг кўзга кўринган шахсларидан бири, у мен билан жуда дўстона муносабатда бўлди ва Тошкентда кам маошга яшаб, деярли ҳар куни меникиа ташриф буоради”. – дейди Николай Федорович ўша мактубда.

Шунингдек, “Тошкент афсонаси – жангчи, донишманд, файласуф, қадимий буюмларни йигувчи Жўрабек Туркистонда шундай ғайриоддий шахс бўлганки, у ҳақида батафсилроқ айтиб ўтиш жоиздир”,-дейди.

Юқоридагилардан хulosа чиқарсак бўладики, Ю.Скайлер Тошкентда Молия вазирлиги агенти Н.Петровский хонадонида Жўрабек билан танишган ва дўстлашган. Ю.Скайлер ёзади: “Меҳмондўст хонадонга турли таниқли беклар, айниқса Самарқанд жанубидаги кичик туманлардан саналган шахрисабзлик Жўрабек ва Бобобек канда қилмай келиб турарди[1.59].

Йигирма ёшлардаги Жўрабек эгизак шаҳарлардан бири Китобга бек этиб сайланди. У Бухоро амирининг кўплаб аъёнларини қувиб юборди ҳамда ўз отасининг ўрнини эгаллаган Бобобек билан ҳамкорликда кичкина воҳанинг мустақиллигини 1870 йилнинг август ойигача, токи Шахрисабз руслар томонидан эгалланиб, амирнинг ихтиёрига топширилгунча сақлаб турди , деб ёзади Скайлер.

Руслар 1866 йилда Жиззахни, 1868 йилда Самарқандни эгаллайди. Амир Музаффар руслар билан битим тузиб, Россия вассаллигини қабул қиласди. Амирнинг руслар билан шармандали битим имзолагани Жўрабек ва унинг дўсти Шаҳрисабз беги Бобобекка ёқмайди. Улар амирнинг ўғли Абдумалик (Катта тура) билан иттифоқ тузиб, истило этилган Самарқандга қўшин тортади. Жўрабек ва Бобобек бошчилигидаги қўшин келаётганини эшитган Самарқанд ахли русларга қарши бош кўтаради. Шаҳрисабздан келаётган 20 минг кишилик қўшин Самарқанднинг озодлиги учун курашаётган қўзғолончиларга қўшилади. Бўлиб ўтган шиддатли жанглардан кейин Самарқанд қайтариб олинади.

Самарқанд мудофаасида қатнашган рус рассоми В. Веришчагининг «Рассом хотиралари» деб номланган асарида бу хақда Шаҳрисабздан келган ёрдамчи кучларнинг қандай қаҳрамонлик билан жанг қилишлари, мудофаачиларга зарба бергани, бутун рус солдатларининг рухлари тушиб, ўлимга тайёр бўлганликлари ва маҳаллий босқинчиларни эски ва қўпол مليтиқдан қанақа аниқлик билан отишларига хайрон қолганини эслайди[3.10] Самарқанд мудофаасига Шаҳрисабз ва Китоб кенагаслари Бобобек ва Жўрабек бошлиқ қўшинлар ёрдамга етиб келади. Аваз Мухаммад Аттор Хўқандий «Тарихи жаҳонномай» асарида бу қўшинлар: «Воқеаларга шохид бўлган самарқандликларнинг сўзларига қараганда кўп жасорат кўрсатиб ўруслардан 270 кишини ўлдиришган экан» деб ёзади.

Шундан сўнг Кауфман Тошкентдан катта қўшин жўнатади. Россия армияси тўп, مليтиқ каби ўточар қуролларга эга эди. Шу сабабли улар қилич, найза каби ибтидоий қуроллар билан ўзига қарши чиқаётган Жўрабек бошлиқ самарқандлик қўзғолончиларнинг қўшинини осонгина енгиб қўяди. Беклар Самарқандни ташлаб чиқиб, чекинишга мажбур бўлади.

Жанг якуни ҳақида В.Верешчагин шундай ёзади: “Қулда қурол билан ва бошқа ноқонуний ишларга аралашган асирга олинганлар устидан генерал Кауфман томонидан амалга оширилган судъ кўз олдимда турибди. К.П.Кауфман офицерлар қуршовида дала стулида ўтириб, папирос чекиб, бепарво ва раҳимсизларча отилсин, отилсин, отилсин дея хукм чиқаради”[3.54]

Шундай қилиб, серҳосил Шаҳрисабз воҳаси рус қуролли кучи ёрдамида эгалланади ва Россияга қўшиб олиниш ўрнига, аҳолини батамом ҳайратга солиб, Бухорога амирига тортиқ қилинади. Амир Музаффар ихтиёридан чиқиб кетган Ғузор, Кармана, Ҳисор, Шаҳрисабз, Китоб, Яккабоғ, Қарши шу зайлда яна унинг тасарруфига ўтади.

Бу ҳақда Южин Скайлер ёзади: “Генерал Кауфман Шахрисабзни тутатишга қарор қилиб, генерал Абрамов бошчилигидаги ҳарбий экспедицияни у ерга жүннатади... Беклар Кўқонга қочишиди. Шахрисабз генерал Абрамов томонидан Бухоро амирига русларнинг бундан буён истилоларга хошилари йўқлгининг исботи сифатида топширилди [1. 87]”.

Аламзада Жўрабек ва Бобобеклар Абрамовдан енгилгач, оз сонлик қўшин билан Кўқон хонлиги орқали Қашқарга ўтиш ва ўша ерга куч тўплаш илинжида эдилар. Бироқ Кўқон хони Худоёрхон ҳиёнат қиласи ва уларни тутиб Д.И. Логофетнинг ёзишича: «Кўқон хони Худоёрхон томонидан рус хокимиятига топширилади»[4. 55].

НАТИЖАЛАР

Худоёрхон ўз ҳукмдорлиги даврида йўл қўйган катта хатоларидан бири унинг Шахрисабз ва Китоб ҳокимлари Жўрабек билан Бобобекка нисбатан тутган ҳиёнаткорона йўли бўлди деб ҳисоблаш мумкин.

Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши хусусида уч жилдлик йирик тадқиқот эълон қилдирган генерал-лейтенант М. Тереньев бундай ёзади: “Насриддинбек (Худоёрхоннинг тўнғич ўғли) 1872 йилда Тошкентга келган вақтида ўрислар хизматига ўтган, подполковник унвонига эга бўлган собиқ шахрисабзлик беклар Жўрабек ҳамда Бобобекнинг уйига келиб, отаси уларнинг русларга топширгани ва шу қилмиши билан ҳақиқий мусулмонлар назарида ўзини шарманда қилганини айтиб, таассуф билдириди” [5. 35].

Жўрабек ва Бобобек каби миллат қаҳрамонлари, бекларни Худоёрхон русларга тутиб бергани ҳиёнатдек кўринар эди. Жўрабек билан кўп сухбатда бўлган Южин Скайлер бу ҳақда Жўрабекдан сўраган бўлса керак, албатта. Бунинг сабабларини Южин Скайлер шундай тушунтиради: “Жўрабек ва Бобобек Кўқон томонга қочди, аммо Худоёрхон томонидан тутиб берилди. Сабаби ўз вақтида Худоёрхон амир Насруллага ўзининг ташвишлари ва сургун қилиниши ҳақидаги гапларни айтганида Жўрабек унинг устидан кулиб, “қари кампир” деб масхара қилганидан, унга нисбатан эски алами бор эди”.

Руслар нега Жўрабек ва Бобобек каби ўзларига қарши қаттиқ курашган қаҳрамонларни жазоламай мартабалар бериб олиб қолгани хайратланарли. Аммо Туркистоннинг биринчиси генерал-губернатори бўлган фон Кауфман айёр дипломат ва ўткир сиёсатчи бўлган. У асиirlарни сургун қилиши ёки ўлдириб юбориши мумкин эди. Лекин бундан нима фойда? Халқ орасида номи машхур бўлган бу кишилардан фойдаланса-чи? Бу ҳақда Южен Скайлер шундай мулохаза юритади : “ Жўрабек... агар яхши муносабатда бўлишса, Россия учун хизмат қилиши табиий ҳол.

Агар Бухоро амири ёки Қўқон хони тахтдан ағдарилиши ва вассални тайинлаш керак бўлганида, Жўрабек ҳар икки томон: ҳам маҳаллий аҳоли, ҳам русларнинг манфаатларига бирдек мос келувчи шахс. Шу билан бирга унинг, амирлик тахтига кўтарилишига ҳақли бўлган тўртта уруғдан бири бўлган кенагас уруғидан келиб чиққанлиги ҳам аҳолининг ҳеч қандай қаршилигисиз тахтга лойиқ қўрилишини таъминлаган бўларди [1.99-б.]. Шунингдек “Жўрабек русларнинг Ўрта Осиёни эгаллаб олиб, унинг эгасига айланганига амин бўлиб, ўзининг келгусида улар орқали ҳокимиятга келишига имкони борлигига ишонар эди”, деб баҳо беради, Ю.Скайлер.

Рус хизматига ўтган Жўрабек тезда рус тилини ҳам ўрганиб олади. У Лев Толстой асарларини асл тилида ўқиб уларга юксак баҳо берган ва бундай ёзувчилар руслар ичида ҳам ўзбеклар ичида ҳам кам туғилишини айтган.

Полковниклар Жўрабек, Бобобек таржимон ва журналист Сатторхон 1876 йили Петербургда очилган шарқшуносларнинг III жаҳон анжуманига иштирок этадилар. Жўрабекнинг аниқ манбаалардан нодир қўлёзма асарлардан турли далиллар келтириб сўзлаган русча нутқи дастлаб «қандайдир осиёлик»ка эътиборсизлик билан қараган анжуман иштирокчиларини қойил колдиради. Натижада унинг Шарқ қўлёзмалари бўйича чуқур мутахассис эканлигини тан олишади. Жўрабек ўз нутқида Пётр I жамиятни 12 тоифага ажратганини ва буни амир Темурдан ўзлаштирганини, армия уставини тузишда эса Темур «Тузуклари» дан фойдаланганини бу йўлда Пётрга собиқ Молдавия хукмдори Кантемир ёрдам кўрсатганини исботлаб берганди [6.3.].

Южин Скайлер китобини ўқир эканман, шу ерда илгари эшитмаганим, одатда америка хиндулари фойдаланган қамишдан ясалган ўқ отиш қуроли ҳақида эслатиб ўтиши мен учун янгилик бўлди: “...Жўрабек пулфлаб отиладиган қуролдан жуда яхши отар экан. Бу қуролни кўриб ҳайрон қолдим, чунки Осиёда бу қуролдан фойдаланишмайди деб билардим. Тағин унинг айтишича, бу қурол Шахрисабзда кенг тарқалган экан. У қамишдан узун

трубка бўлиб, бир учиға кичик ўқ жойлаб, уни нафас билан ҳайдаб чиқаришади. Уни ишлатиш бирорлар ўйлаганчалик унчалик қийин бўлмай, қўп нафас сарфлашни талаб қилмайди [1. 99.]”.

ХУЛОСА

Собиқ Китоб беги Жўрабек Қаландарқори 1868 йилдан 1906 йилгача чор истелосидан ўлимига қадар Туркистон ижтимоий сиёсий ва маданий хаётида ўз таъсирини кўрсатган ва ўз ўрнига эга бўлган тарихий шахсадир.

Журабек Тошкентда рус хизматида бўлган вақтда, Шаҳрисабз бегининг меҳмони бўлган Скайлер халқнинг Журабек шахсига бўлган хурматини (гарчи Шаҳарга Бобобек беклиқ қилган бўлсада) шундай келтиради: “Мен билан сұхбатлашиш учун кўплаб одамлар келди ва улардан бири бу ерни Россия истило этгунига қадар шаҳар ҳукмдори бўлган ва буороликларга топширилган Жўрабек ҳакида суриштириб қолди. Кейинроқ Жўрабекнинг ўртоғи келганлиги ҳакида дув-дув гаплар тарқалиб, машҳурлигидан халойиқ мени астайдил кўришни истаганларига сабаб бўлган экан[1. 282.]”.

Южин Скайлер Жўрабекка қўйидагича таъриф беради: “У мен учратган бир неча маҳаллий аҳоли вакиллари ичида ҳар қандай масалада унинг сўзига ишонишим мумкин бўлган ягона кишилардан бири эди. Жўрабек баланд бўйли, ингичка қора соқолли, кулранг ёқимли кўзли ва жиддий қиёфали келишган ўзбек эди. У доимо оддий, аммо нозик дид билан озода кийинар ва юзида қайғу ифодаси, истараси, кўркам ҳаракатлари кишини ўзига жалб қилиб, қизиқтирумасдан қўймасди. У ҳақиқатан ҳам мутлақо олижаноб инсон эди”.

Машҳур швед сайёхи Свен Гедин 1893 йил Тошкентга келганида Туркистон генерал-губернатори Вревскийнинг уйида уюштирилган зиёфатда Жўрабек билан учрашиб қолади. Билим доираси кенг, қизиқишлари беҳисоб бўлган Жўрабек билан сұхбат уни мафтун этади. Сўнгра сайёҳ Жўрабекнинг Қорасувдаги уйида бир неча кун меҳмон бўлади, унинг эртаклардагидек сеҳрли таржимаи ҳолини тинглайди. Свен Гедин "Осиё юраги" китобида бир неча саҳифани Жўрабекка бағишлийди, унга "Марказий Осиё тарихида катта роль ўйнаган сиймо" деб таъриф-баҳо беради [6.4.].

1906 йилда генерал-губернаторликнинг маркази Тошкент шаҳрида яшаган “Туркистон Лигасининг раҳбари, истиқлол фидойиси, мард саркарда, ҳақиқий зиёли, чор армияси генерал-майори Жўрабек Қаландарқори ўғлига суиқасд уюштирилади - Кўйлиқдаги ўз ёзги боғида сирли равишда ўлдирилади [7.18.]”. Шу тариқа китоблик биринчи ўзбек генерали Жўрабекнинг ҳаёти фожеали якун топди. У мураккабликлар, қарама-қаршиликлардан иборат ҳаёти давомида ҳамиша халқи томонида бўлди. Даврнинг зиддиятлари тўлалигича унинг ҳаётида акс этди. Нимаики бўлмасин, Жўрабек жасур ва мард ўзбек ўғлони, маърифатпарвари сифатида Китоб тарихида, Ўзбекистон тарихида қолади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Скайлер Южин. “Туркистон”, “Ўзбекистон” нашриёти, 2019.
2. Фетисов В. Властитель Кашгара. К 110-летию со дня смерти Н.Ф. Петровского. Глава третья. Туркестанские хроники. <https://telegra.ph/Vlastitel-Kashgara-11-28>.
3. Логофет Д.И. «В горах и на равнинах Бухари» СПС, 1913, С, 55.

4. Веришчагин В.В. На войне в Азии и Европе. Воспоминания. – М.: Типо – лит т-ва И.Н.Кушерев и К, 1894 - VI, 370 с.
- 5.Юсупов Шариф. “Хуфия қатламлар”, Т.: “Маънавият”, 1999, 35-б.
6. Ибрагимов С.Э. Генерал Жўрабек ҳақида янги маълумотлар. “Китоб овози” газетаси 2021 йил 25-июнь
7. Ибрагимов С.Э. “Южин Скайлернинг “Туркистон” асари ва унда генерал Жўрабек ҳақида келтирилган қайдлар” Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences (E)ISSN: 2181-1784 4 (5), May, 2024, s-506-512.
8. Абдулла Шер, Ҳусанов Б. Ахлоқ фалсафаси, нафосат фалсафаси Тошкент – 2008.